Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 71 (21. 190) 1992 йил 9 апрель, пайшанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

• *ХДП: партия ахбороти*

ХАЛҚ ОРАСИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов кеча Қашқадарё вилоятида бўлди. У «Қаршиқурилиш» ихтисослашган бирлашма фаолияти билан атрофлича танишди. Бирлашма партия қўмитасида партия ташкилотлари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Келгуси йили ушбу қурилиш ташкилоти ташкил топганига 30 йил тўлади. Ана шу даврда Қарши даштида жуда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу ҳақда бирлашма бошлиғи С. Чегибоев, партия ташкилоти котиби А. Н. Олейник ахборот бердилар. 200 минг гектардан зиёд қўриқ ер ўзлаштирилиб, бу ерда олтита район, 55 та давлат хўжалиги вужудга келтирилди. Қадимги дашт ҳозир вилоятнинг йирик деҳқончилик ҳудудига айланган. Бирлашма партия аъзолари барча ишларда етакчилик қилмоқдалар. Унинг сафида 800 киши бор.

— Республикада вужудга келган ҳозирги шароитда — деб таъкидлади учрашувда М. М. Расулов, — ўзаро аҳил, баҳамжиҳат бўлиб ишламоғимиз керак. Барча куч-қувватни партия Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишга қаратмоғимиз лозим. Бу — мушкулликлардан чиқишнинг энг муҳим шартларидан бири. Партиянинг ҳар бир аъзоси бу ишга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

М. М. Расулов Қарши шаҳридаги темир йўл вокзалида ҳам бўлди. Унинг бунёдкорлари билан суҳбатлашди. ХДП аъзоси Р. Рашидов раҳбарлик қилаётган «Қашқадарёқурилиш» тресті бинокорлари қисқа вақт ичида вокзалнинг янги биносини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби трест партия ташкилоти фаолияти билан танишди. Қарши шаҳар ҳокими М. А. Маҳмудов, шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби А. Очилов вилоят марказида ижтимоий ҳаётни барқарор сақлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар. М. М. Расулов шунингдек, Қарши марказий бозорида ҳам бўлди. У деҳқонлар, сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашди. Аҳолининг талабига биноан маҳсулотлар нархини иложи борича туширишни лозим эканлигини таъкидлади. Бу таклифни сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам маъқулладилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби бозорнинг кўҳна Регистон майдонида деҳқонлар хайр-эҳсон тарзида уюштирган Наврўз байрамида иштирок қилди. Тўпланганларни байрам билан табриклади. Маҳалла фаоллари, кишилар билан аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш масалалари ҳақида суҳбатлашди. У шунингдек, Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли давлат хўжалиги меҳнаткашлари вакиллари билан ҳам учрашди. Сафар чоғида унга ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. О. Омонов ҳамроҳлик қилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАҲОР: БИР КУНИ ЙИЛГА ТАТИЙДИ



ЧИГИТ ЭКИЛМОҚДА

Айни кунларда республикамизда чигит экиш қизғин давом этмоқда. Бу ишни биринчи бўлиб бошлаган Сурхондарё вилояти деҳқонлари пешқадамлик қилишмоқда. Айниқса Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги», «Дўстлик» жамоа хўжаликлари, Ангор районидаги «Қизил юлдуз», Куйбишев номли, Жарқўрғон районидаги Ҳ. Олимжон номли ва Н. Боймуродов номли хўжаликларда юзлаб гектар майдонларга чигит қадалди.

Термиз районидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалиги пахтакорлари ҳам бу борада кўпчиликка ибрат бўларли ишлар қилишяпти. Ҳозир хўжалик далаларида 32 сеялка юксак унум билан ишлатилмоқда. Мирзиқорларнинг нияти — экишни бир ҳафта ичида тугатиш. Бу йил жамоа аъзолари мавжуд 1600 гектар майдондан 4500 тонна хом ашё йиғиштириб олишни кўзда тутишган. Бу режадагидан 1300 тонна кўпроқдир.

СУРАТЛАРДА: 1. Илғор механизатор Холиёр Раимов. 2. Чигит экиш пайти.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар.

(ЎзА).

Президент Фармони — юрт дармони

КУЧИМИЗГА КУЧ ҚЎШДИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси эълон қилинганидан бери доимо ўзгариб турган бозор муносабатлари шароитида аҳолининг ижтимоий таъминотини яхшилаш мақсадида моддий томондан энг заиф ҳисобланган аҳоли гуруҳлари маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, маиший хизмат, адлия ходимларининг ойлик маошлари, талабаларнинг стипендиялари ва пенсионерларнинг нафақалари республика Президенти томонидан бир неча марта оширилди.

Барча ишловчилар гуруҳлари қатори олий таълим ва илмий-тадқиқот тиббий олийгоҳлари ходимларига ҳам 1992 йил январь ойида белгиланган маош ҳажми 16 мартдан эътиборан 1,7 марта оширилиш кўзда тутилган. Президент қарори асосида тиббиёт профессорларининг маошлари 2800 сўмгача, доцентларники — 1800 сўмга, катта ўқитувчиларники—1666 сўмга, ассистентларники — 1224 сўмгача оширилди.

Ҳозирги вақтда тиббиёт олимлари олдида она ва бола муҳофазаси, юқумли касалликларни камайтириш ва тиббий экологияни ўрганишдек муҳим йўналишлар бўйича иш олиб бориш вазифаси қўйилган.

Республикамизда юқумли касалликлар ҳаддан зиёд тарқалган экологик вазиятнинг танглиги туфайли аёллар ва болалар касалланишлари кўп. Оналар ва гўдаклар ўлими юқори. Бу масалалар аҳоли саломатлигини ёмонлаштирувчи сабабларни чуқур ўрганишни ва шу аҳволни яхшилашни тақозо қилади.

Бу борада маълум ютуқларга эришилди. Тиббиёт олимлари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида туғриш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» минтақавий дастур ишлаб чиқилди ва амалга ошириляпти. Барча вилоятлар ва районларда аёлларни соғломлаштиришга мўлжалланган махсус бўлимлар очилди. Улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлантирилди. Айни пайтда 3 миллион 350 мингдан кўпроқ аёл муҳофазавий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг бир миллион икки юз мингдан ортиғи касалхона ва кундузги шифохоналарда соғломлаштирилди. Шу билан бирга тиббиёт олийгоҳлари ва илмий текшириш институтлари олимлари барча куч-қувватларини аёлларимизда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва даволаш усулларини мукаммаллаштиришга қаратганлар. Кўрилган чоралар натижасида оналар ўлимини камайтиришга эришилди.

Ўйлайманки, Президентимизнинг юқоридаги Фармони олимлар, барча тиббий ходимлар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшади, янги юксак ютуқларга чорлайди.

Н. МАҲМУДОВА,
Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳининг социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш кафедраси мудири, профессор.

САБЗАВОТ МЎЛ БЎЛАДИ

Нукус районидаги «Нукус», «СССР 60 йиллиги», «Партия XXVII съезди», «Коммунизм» давлат хўжаликларида эртаки сабзавот экиш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Кўпчилик хўжаликларда кунига 12—15 гектар майдонга сабзавот экилмоқда. «Каракалпакплодоовошвинпром» концернига қарашли хўжаликларда бу йил 1073 гектар майдонда сабзавот, 3500 гектар майдонда ковун-тарвуз, 81 гектар майдонда картошка етиштирилади.

— Кузга бориб қийналиб қолмаслигимиз учун кичик корхоналар ремонтини бошлаб юбордик, — деди «Каракалпакплодоовошвинпром» концерни раиси Сафарбой Керембоев. — «Партия XXVII съезди» давлат хўжалигида ҳар бири беш юз минг шартли банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарадиган иккита кичик корхона, йилига уч юз тонна ковун қоқи ишлаб чиқарадиган цехни шай қилиб қўямиз. Кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарганимиз ва маҳсулотларни қайта ишлаб чиқаришни яхши ташкил қилганимиз учун ўтган йили 2,5 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олишга эришдик.

Бу йилги режаларимиз ҳам аниқ. Сабзавот, ковун-тарвуз, мева, картошка етиштириш яна ҳам кўпаяди. Маҳсулотларни қайта ишлаб чиқариш кўлами кенгайтирилади. Сифат яхшиланади. Шу ҳисобдан даромадимиз ортади. Соф фойданинг асосий қисми ишчиларнинг ижтимоий турмушини яхшилашга сарфланади. Қишлоқларда турар-жойлар, маданий-маиший объектлар қурилишлари, ободонлаштириш, хонадонларни газлаштириш, водопровод линияларини ўтказиш ишлари давом эттирилади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕЯЛКАЛАР ДАЛАГА ОЛИБ ЧИҚИЛДИ

● Ангор районида чигит экишга биринчи бўлиб Калинин номли жамоа хўжалигининг М. Ҳайитова бошлиқ бригада аъзолари қўл уришди.

Бултур ҳам шундай бўлган эди. Жамоа хўжалиги чигитни эрта экиб, пахта тайёрлаш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажаргани учун раис Э. Маратов УАЗ — 469 машинаси билан мукофотланганини одамлар ҳали-ҳали тилдан қўйишмайди.

Хўжалик бу йил 830 гектар майдондан уч минг тонна пахта етиштирмоқчи. Ер экишга тайёр, техника воситалари шай, ўғит етарли. Р. Такаев, О. Ражабов каби механизаторлар яхши меҳнат қилишяпти.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Пахта ҳақида нималар дейишмасин, у ўзбек деҳқони учун бош экин бўлиб қолаверади. У бола-чақасини шу туфайли боқади, кийинтиради. Ўтган йил натижалари жамоа хўжалигимиз аъзоларида шундай фикр уйғотди. Етиштирилган пахтанинг режадаги 15 фоизи, режадан ташқари тайёрланган ҳосилнинг эса ҳаммаси хўжалик ихтиёрида қолдирилиши деҳқонларимиз учун жуда катта истиқбол йўлини очади.

Биргина мисол, Ўтган йили хўжалигимизнинг Машрабжон Исоқов бошлиқ бригадаси 185 тоннадан ортиқ пахта етиштириб, йиллик режани ортиғи билан бажарди. Бироқ далада ҳосил ҳали мўл эди. Пахта тайёрлаш заводи эса кеч кузги пахтани олишга хиралик қилди. «Ҳатто тўртинчи нав талабига ҳам жавоб бермайди» деб тайёр ҳосилни қабул қилишдан бош тортди. Аммо пешона тери билан етиштирилган оппоқ пахтани ташлаб юборишга деҳқоннинг кўзи қиймиди?

Аъзолар бамаслаҳат пайкаллардаги қолган пахтани охирги мисқолигача териб олишди ва тайёрланган ўн тонна пахта дала шийпонига босиб қўйилди. Қарангки, шу йил бошида ўша пахтага харидор чиқди. Шийпоннинг ўзида 172 минг сўм бериб, уни ташиб кетишди. Пулнинг асосий қисми бригада аъзолари ўртасида тақсимланди. Пахтамизнинг қадри ҳали баланд экан.

Қизиғи шундаки бригада режадаги 176 тонна пахтани етиштириш учун 172 минг сўм харажат қилиши мўлжалланган эди. Энг охирги чаноқлардан йиғиб олинган ҳосил билан харажат ўрни ҳам қопланиб кетди. Шундай экан, завод ва биржалар харид нархини инсоф билан белгилашлари, қолаверса, деҳқон ўз молига ўзи нарх қўйиши мумкин бўладиган шароит ҳам яратилиши лозим.

Абдурауф ҲАКИМОВ,
Олтиариқ районидаги Т. Исоқов номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби.

• ТАЛАБА СЎЗ СЎРАЙДИ

УМИДБАХШ ТАШАББУС

Яқинда жумҳуриятимиз Президенти И. А. Каримовнинг ёш иқтисодчилар билан учрашувда зикр этган масалалари ва таклифлари ўзбекнинг бир фарзанди, бўлғуси иқтисодчи-ишбилармон сифатида мени ҳам беэътибор қолдирмади. Зеро, иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашуви, пул-молия тизимининг беқарорлашуви ва натижада аҳоли турмуш даражасининг оғирлашуви иқтисодиётда бозор муносабатларини шакллантиришни ҳамда бу ўтиш даври иқтисодиётида маълум мақсадли анық дастур, концепциялар бўлишини тақозо этмоқда.

Мазкур учрашувда ёш иқтисодчи ва олимларнинг мустақил иқтисодий форумини ташкил қилиш ташаббуси билан шахсан, Президентимизнинг ўзлари чиқдилар. Бундай форум эса, албатта, иқтисодий туб ислоҳотларни амалга оширишнинг аниқ концепциясини тузишда муҳим замин бўлажак. Ахир, ҳақиқат баҳсларда туғилиши ҳаммага маълум.

Мен мазкур умидбахш ташаббуснинг тарафдори сифатида иқтисодий форумда қатнашишга ва ўз иқтисодий билимларим, фикр-мулоҳазаларим билан иқтисодий ислоҳотлар муқобил концепциясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишга тайёрман. Бинобарин, бозор муносабатларининг мумкин қадар тезроқ шаклланиши ва бозор мўл-кўлчилиги таъминланиши ёшларга, иқтисодчи-мутахассисларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Демак, иқтисодий туб ислоҳотлар йўлида яна бир муҳим саъйи-ҳаракатга ва собитқадамликка жазм этилмоқда. Мен мана шундай иқтисодий анжуман олдидан иқтисодчиларга, ёш тадбиркор ва ишбилармонларга мурожаат қилиб, уларни ҳам бу форумда фаол бўлишлари, ҳатто бош-қош бўлишларини истардим.

Эҳтиром ила

Ёдгор АБДУҒАНИЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт доирилфунуни III курс талабаси.

Ўзбекистон ва жаҳон

Битим имзоланди

8 апрель куни Ўзбекистон Республикаси билан Швеция қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди. Унда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти устави, шунингдек Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг Якунловчи акти принциплари асосида Ўзбекистон билан Швеция ўртасида алоқалар ўрнатиш ҳамда ривожлантириш кўзда тутилган.

Тўрт моддадан иборат битим кучга кирган кундан бошлаб Ўзбекистон билан Швеция бир-бирлари билан дипломатия муносабатлари ўрнатадилар ҳамда яқин вақт ичида дипломатия вакиллари айирбошлайдилар.

Битимни Ўзбекистон Республикаси номидан ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов, Швеция қироллиги номидан Швециянинг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Э. Бернер имзоладилар.

(ЎзА).

* * *

Музокаралар пировардида ҳар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги аҳдлашув имзоланганидан кейин Швеция Қироллигининг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Карл О. Эрьян Бернер жаноблари «Ўзбекистон овози» мухбири саволига шундай жавоб берди:

— Бизнинг бу ташрифимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатлар билан давлатлараро алоқаларни ривожлантиришда муҳим қадамдир. Олдинги пайтда ҳукм суриб келган эскича қараш-лар барҳам топиши керак. Ташқи ишлар вазирингиз билан суҳбатимиз ғоят қизиқарли ўтганидан мамнунман. Ўйлайманки, мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳам янада кенгаяди. Мен билан бирга Швециядаги энг нуфузли савдо-саноат доираларининг вакиллари Ўзбекистонга келишди. «Прокордия», «Нордбанкен», «Аксел юнсон», «Вольво» ва бошқа қатор фирмаларнинг вакиллари республикангиздаги йирик корхона ва хўжаликлар билан танишадилар.

Ишхоналар, фирмалар, тадбиркорлар ўзаро бир-бирлари билан осонроқ тил топишадилар, аниқ мақсадга бўйсундирилган фойдали битимлар тузадилар. Ҳукумат идоралари эса уларга имкон яратади.

А. АБДУБАННОПОВ.

КОРХОНАДА—ТИЖОРАТ МАГАЗИНИ

● Вилоятдаги йирик саноат корхоналаридан бири Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси қошида тижорат дўкони очилди.

Унда мазкур бирлашмада тикиб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар харид қилинади. Бу, ҳозирда вилоятда шу усулда ишлаётган ягона савдо дўконидир. Корхона раҳбарларининг таъкидлашларича, бирлашма қошидаги дўконда сотилаётган маҳсулотларга шаҳар магазинларидагига нисбатан савдо идораларининг қўшадигана устама нархлари «юки» ортилмаган.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эшитмадим деманглар

РОССИЯ ТАСАРРУФИГА

● Россия Федерациясининг Президенти Б. Ельцин Қора денгиз флотини Россия Федерацияси тасарруфига ўтказиш тўғрисида Фармон чиқарди.

Қора денгиз флотини барқарор бошқариш ва унинг жанговар тайёргарлигини сақлаб туриш, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш, флотнинг тарихий анъаналарини ҳурмат қилиш ҳамда унинг мақоми аниқ белгиланмаганлиги масалалари Фармон учун асос бўлди. Қора денгиз флоти Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Бирлашган Қуролли Кучларининг Бош қўмондонига бўйсундирилади.

НОИБЛАР СЪЕЗДИДА

● Москвада Россия халқ депутатларининг VI съезди ўтяпти. Кеча ноиблар иқтисодий ислоҳот қандай бораётганлигини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Депутатларнинг ўндан икки қисми мунозараларга қатнашиш истагини билдиришган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, съезд ўн кун ишлаши керак. Депутатлар, шунингдек, Россия Федерацияси янги Конституциясининг лойиҳасини, Россиянинг Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги ўрни ва унинг Ҳамдўстликдаги бошқа аъзолар билан муносабатлари истиқболи, давлат ҳаётига оид бир қатор муҳим масалаларни муҳокама этишни кўзда тутганлар.

АШХОБОДДАГИ УЧРАШУВДА

● Кеча Туркманистон Президенти Сафармурод Ниёзов Ашхободга амалий сафар билан ташриф буюрган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Андрей Козиревни қабул қилди.

Суҳбат давомида икки томонлама Туркманистон — Россия муносабатларини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларнинг кенг доираси муҳокама қилинди. Суҳбатдошлар минтақадаги, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги вазият ҳақида фикр алмашдилар.

Шу куни иккала давлатнинг ташқи ишлар вазирлари Россия Федерацияси билан Туркманистон ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш ҳақидаги протоколни имзоладилар.

А. Козирев шундан кейин Душанбега жўнаб кетди.

КОММУНИСТЛАР МУРОЖААТИ

● Кеча Ереванда Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг жумҳурият коммунистларига ва меҳнаткашларига Мурожаати эълон қилинди.

«Арманистон Компартияси мажбурий танаффусдан сўнг ўз фаолиятини қайта тиклайди ва у ўзи босиб ўтган 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида тўплаган энг яхши анъаналарни давом эттиради» — дейилади Мурожаатда.

Арманистон Коммунистик партияси ижтимоий-сиёсий ташкилот сифатида расмий равишда рўйхатдан ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● ГФР Канцлери Гельмут Коль ўз қароргоҳида Германияга амалий сафар билан келган Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаевни қабул қилди.

Суҳбат мобайнида барча соҳаларда икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари, Қирғизистон ҳудудида истиқомат қилаётган немисларнинг аҳволи, шунингдек, икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Айни пайтда Г. Коль ва А. Акаев Қирғизистон билан Германия ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Сиёсий баёнотни тузиш мақсадида музокараларни бошлашга келишиб олдилар. Айтишларича, ГФР ҳукумати Ўрта Осиёнинг бу жумҳуриятига бозор тузилмаларини ташкил этишда ҳамда ҳуқуқий давлатни бунёд этишда ҳар томонлама мадад беришни ваъда қилмоқда.

БИР ОЙ ОЛДИН

● Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларни мўлжал қилинганидан бир ой олдин Халқаро валюта фондининг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишди.

Кеча Японияда чиқадиган «Асахи» рўзномаси ана шундай хабарни босиб чиқарди. Собиқ СССРдаги республикаларни Халқаро валюта фондига қабул қилиш учун зарур бўлган барча юмушлар 27—28 апрелгача бажариб бўлинади.

(Жаҳон матбуоти ва ахборот агентликларининг материаллари асосида тайёрланди).

• НУҚТАИ НАЗАР •

МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТЯПТИ

Ҳеч кимга сир эмаски, «Бутун ҳокимият — Советларга», деган шиор етмиш йилдан ортиқ вақт ичида фақат қоғоздагина амалга ошиб келди. Ўзбекистон Республикамиз мустақил давлат бўлгандан кейин Советлар тўғрисидаги янги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни тезроқ қабул қилиш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Шу сабабли ушбу мавзу юзасидан газетхонлар билан ўз мустақил фикрларимни ўртоқлашмоқчиман.

Халқ ноиблари Кенгашлари фаолиятидаги муаммолардан бири улардаги доимий комиссиялар ишининг сустлигидир. Бунинг сабабларидан бири ҳаракатдаги қонунчиликка асосан доимий комиссиялар фақат тавсия характерига эга бўлган қарор қабул қилишга ҳақли эканлигидир. Масалан, доимий комиссия ўз иш режасига асосан бирор корхона маъмурияти ўз ишчиларини ижтимоий томондан ҳимоя қилиши юзасидан қандай иш олиб бораётгани аҳволини текширса ва ундаги камчиликларни аниқласа, шу бўйича комиссия тавсия характерига эга бўлган қарор қабул қилишга ҳақли. Тажрибада бундай қарор ўзини оқламаяпти. Чунки корхона маъмурияти бундай қарорни истаса бажаради, истамаса йўқ. Қарорнинг бажарилмаслиги ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатга олиб келмайди. Шунинг учун доимий комиссияларнинг обрўсини кўтариш мақсадида янги ишлаб чиқиладиган ҳужжатларда доимий комиссия қарорлари мажбурий характерда бўлишига эришиш зарур.

Халқ ноиблари Кенгашларининг давлат ҳокимияти вакиллик органлари сифатида обрўсини кўтариш учун қабул қилинган қонунлар, қарорлар, фармон ва фармойишларнинг ижросини таъминлаш зарур. Айрим ҳолларда бевосита ижрочи ҳисобланган мансабдор шахслар ўз вазифаларига лоқайдлик билан қараб, қабул қилинган ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилишини йўққа чиқарадилар. Бу ўз навбатида халқнинг давлат органларига нисбатан ишончини йўқотишга олиб келади. Россия Президенти фармонларини бажармаган мансабдор шахсларга биринчи марта 5 минг сўм, иккинчи марта 25 минг сўм жарима солиниши ва учинчи марта икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши белгиланган. Бизнинг республикамизда ҳам «Қонунларни ва фармонларни бажармаслик учун жавобгарлик тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш лозим, токи қонунларни бажармаганлик учун албатта масъулиятга тортилса, шундагина қонунлар аниқ ижро қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитасини Конституциявий Судга айлантириш керак. Сабаби ҳозирги Конституциявий назорат қўмитаси ҳаракатдаги Конституциядаги ваколатлар доирасида хулоса бериш билан узоққа бормайди. Фикримни далиллаш учун мисол келтираман:

«Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий ҳокимият идораларини қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 4 январда қабул қилинган Қонунининг 9-бандида «Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимият идораларини тузиш масалалари Қорақалпоғистон Республикасининг Қонунлари билан ушбу Қонунга мос тарзда белгиланади», — дейилган. Лекин 1992 йил 9 январда Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, Қорақалпоғистонда ҳокимликлар жорий қилмади, балки маҳаллий шароит шуни тақозо этгандир. Аммо Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси қонунларнинг бундай номувофиқлигига ўз муносабатини билдириши лозим эди. Юқоридагиларни ҳисобга олиб Республикамизда Конституциявий Суд сайлаш ва бу тўғрисида қонунни тезроқ ишлаб чиқиш шарт.

Яна бир таклифим шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси халқ ноибларининг сонини камайтириш керак. Мавжуд 500 нафар ноиб ўрнига 100 ёки 150 нафар ноиб етарли деб ҳисоблайман. Киши яхши механизатор, илғор сут соғувчи бўлиши мумкин, лекин жамият риоя қилиши керак бўлган қонунларни қабул қилиш, миллионлаб кишиларнинг тақдирини ҳал қилиш ҳаммамизнинг ҳам қўлидан келавермайди. Чет эллардаги сингари бизнинг парламентимиздаги депутатлар ҳам бошқа ишдан озод қилинган ҳолда фақат қонун чиқариш билан машғул бўлиши керак.

Сайловолди йиғилишларида ноибликка номзодларга сайловчилар томонидан маълум бир социал-иқтисодий муаммоларни ечиш мақсадида наказлар берилади. Қонун бўйича наказнинг бажарилишига ижроқўмлар жавобгар бўлиб, ноиб эса наказ бажарилишини назорат қилиши керак. Лекин тажрибада кўпинча наказнинг бажарилиши ноибдан сўралади, худди ноибнинг наказни бажаришга маблағи бордек. Тўғри хўжалик раҳбарлари ва юқори мансабли ноиблар ўз мансабларидан фойдаланиб наказларни бажаришади, албатта. Бозор иқтисодиётига ўтаётган бир даврда бюджет туфайли давлат томонидан наказларни бажариш учун ажратилган маблағ жуда камайиб кетди. Шу сабабли кўп наказлар бажарилмай қолмоқда ва оқибатда ноибнинг, давлат органларининг обрўсига путур етаяпти. Менинг таклифим шуки, янги сайловлар бўлиб ўтганидан сўнг ноибга наказ бериш масаласини қонунчиликдан чиқариш керак. Мен бу билан сайловчиларнинг социал-иқтисодий муаммоларини ечмаслик керак демоқчи эмасман, балки бундан кейин бу муаммоларни маблағи бор бўлган ҳар бир корхона, ташкилот, колхоз ва совхоз ўз меҳнаткашлари учун ечмоғи даркор деб ўйлайман. Ноибнинг асосий вазифаси ўз сайловчилари номидан давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этиб, улар эркини ифода қилган ҳолда ўз сайловчиларининг ҳар қандай қонуний ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан депутатнинг Кенгаш сессиясида, унинг доимий комиссиялари ишида қатнашуви, округда ўв сайловчиларини қабул қилиши масалалари қийинлашиб кетди. Ҳаракатдаги қонунчиликда ноибни ўз хизмат вазифасини бажаришдан муайян муддатга озод этиш тартибини Кенгаш белгилайди, дейилган. Лекин қандай тартибда белгилаши аниқ кўрсатилмаган. Менинг фикримча, Кенгаш ҳар йили маҳаллий бюджетни тасдиқлаётганда ноибнинг Кенгашда фаолият кўрсатган кунларига ҳақ тўлаш учун алоҳида модда белгилаши зарур. Зарурат туғилганда Кенгаш раиси ёки ҳоким фармойиши билан Кенгаш тасдиқланган миқдорда маълум ишга жалб қилинган депутатга иш ҳақи тўлаш керак.

Ҳозирги Кенгашлар ҳокимият органи бўлгани билан тажрибада бирорта корхона, муассаса, ташкилот раҳбари Кенгаш қарорини бажармаса уни ишдан бўшатолмайди. Бу ҳокимиятнинг кучсиз эканлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳокимга, масалан, район ҳокимига райондаги барча давлат органлари (прокуратура ва суддан ташқари), корхона, муассаса, ташкилотлар (жамоат ташкилотлари бундан мустасно) раҳбарларини ишга тайинлаб ва ишдан бўшатиш ҳуқуқини бериш керак. Иложи борича тез вақт ичида «Ҳокимлар тўғрисида» қонун ишлаб чиқиб, унда ҳоким қарори ва фармойишларини бажармаслик оқибати нимага олиб келиши мумкинлиги, бу бўйича маъмурий, интизомий, лозим бўлса жиноий жавобгарлик белгилаш зарур.

Республикамизнинг амалдаги Конституцияси жуда эскириб қолди. Шу сабабли «Конституция вақтинча бўлсин», «Биз ҳаётда қонунларни тажрибадан ўтказиб кўрайлик» деган гап-сўзларга барҳам бериб, узоғи билан шу йилдан кечикмай ҳаётимизнинг асосий йўналишларини ўзида ифода этган, умумхалқ муҳокамасидан ўтган Ўзбекистон Республикасининг доимий Конституциясини зудлик билан ишлаб чиқиб, қабул қилиш ва бунда фақатгина фуқароларнинг давлат олдидаги бурчига тўхталмасдан, балки давлатнинг фуқаролар олдидаги жавобгарлиги масалаларини ҳам кенг ёритиш талаб қилинади.

К. ҚАЛАНДАРОВ,
ҚДП Элликқалъа район Кенгаши йўриқчиси, ҳуқуқшунос.



Раззоқ Сатторов Жондор районидаги Теша Салимов номли хўжаликда илғор механизатор сифатида танилган. У ўтган йили ўз машинаси бункеридан 180 тонна пахта тўкди.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.



Жарқўрғон районидаги Н. Боймуродов номли жамоа хўжалигининг сут-товар фермаси сигир соғувчиси Саломат Давлатова бу йил юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Унинг нияти — боқимидаги ҳар бир сигирдан 2600 килограммдан серқаймоқ маҳсулот олиш.

Ё. ХУЖАМБЕРДИЕВ олган сурат.

• «Ўзбекистон овози» нажот хизмати •

НАФАҚА ОЛИШ ТАРТИБИ

⊙ Жумҳуриятимизда нархнавонинг ислоҳ қилиниши натижасида ёш болали аёлларга ва уларнинг фарзандларига нафақа, товон пули тўланиши лозимлиги матбуотда эълон қилинганди. Аммо кўплаб жойларда, хусусан, бизнинг Тахиатош шаҳрида истиқомат қилувчи кўп болали аёллар юқори идоралар эшигида сарсон бўлишмоқда. Рўзномада нафақа ва товон пули тўланиши тартиби ҳақида маълумот берилишини сўраймиз.

Кўп болали оналар номидан З. ХОЛМУРОТОВА, Тахиатош шаҳри.

Ушбу илтимосни муҳарририят Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига юборib, қуйидаги жавобни олди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг нарх-наво ўзгариши муносабати билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қарорида нафақа ва товон пули тўлаш тартиби кўрсатилган. Унга асосан фарзанд туғилгандан сўнг бир йўла 250 сўм миқдорида нафақа пули тўланиши керак.

Фарзанд кўрган оналарга боласи 1,5 ёшга етгунга қадар, агар улар бир йиллик меҳнат стажига эга бўлсалар, ҳар ойда 110 сўм миқдорида нафақа тўланади.

Ишламаётган ва бир ойлик меҳнат стажига эга бўлмаган оналарга фарзандлари бир ярим ёшга етгунга қадар ойига 80 сўмдан пул берилади.

Юқорида кўрсатилган нафақа пулидан ташқари болаларнинг кийим-кечаги қимматлашгани муносабати билан фарзанди 6 ёшгача бўлган оналарга йилига 400 сўм, 6 ёшдан 13 ёшгача фарзанди бўлганларга 440 сўм, 13 ёшдан 18 ёшгача фарзанди бўлганларга 530 сўм миқдорида товон пули тўланиши керак. Мазкур товон пули йил чораклари ва тенг бўлинган ҳолда берилади.

Нафақа ва товон пуллари юқорида қайд қилинган қарорнинг 14-бандига мувофиқ онанинг асосий иш жойидан, агар она ишламаётган бўлса, отанинг асосий иш жойидан, бошқа ҳолларда эса ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилади.

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

● Мен уруш ва меҳнат фахрийсиман. Ўтган йил кузда «Чортоқ» санаторийсида даволандим. Афсуски, бу ердаги шароит, ходимларнинг малакаси пастлиги, қўпол муомаласи мени ранжитди. Кўнгилдагидек даволана олмадим.

М. АҲМАДХЎЖАЕВ, Тошкент шаҳри.

Муҳарририятга келган ушбу шикоят НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИга жўнатилган эди. У ердан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

— Хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам уруш ва меҳнат фахрийси М. Аҳмадхўжаевни даволаш жараёнида врач У. Нишонова ва юрак хасталиклари бўйича маслаҳатчи — врач Б. Вафоқуловлар беморга тиббий ёрдам кўрсатишда ўз ишларига совуққонлик билан қарашган.

Йўл қўйилган камчиликлар юзасидан «Чортоқ» санаторийсининг бош врачининг буйруғига мувофиқ, беморни даволашда камчиликка йўл қўйганлиги учун У. Нишоновага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Юрак хасталиклари бўйича маслаҳатчи — врач Б. Вафоқуловлар ва сув билан даволаш бўлими мудири М. Неъматжонов бўлим ходимлари фаолияти устидан назоратни сусайтириб юборганлиги учун огоҳлантирилдилар. Бош врач муовини В. Иномовга ходимлар иши устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги кўрсатиб ўтилди ҳамда юқоридаги камчиликларни бартараф қилиш вазифаси юклатилди.

Хатнинг текшириш якунлари санаторий жамоаси йиғилишида муҳокама қилинди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Касаба уюшмалари вилоят кенгашига «Чортоқ» санаторияси фаолиятини мунтазам назорат қилиб бориш тавсия этилди.

АХБОРОТ

МАҚСАД — ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

● Хоразм вилояти шаҳар ва қишлоқларида маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бир қатор мўъжаз корхоналар, цех ва филиаллар очиляпти. Ўтган йили Хива районидаги Р. Мадаминов номли жамоа хўжалигида Хива гилам тўқиш фабрикаси филиали ташкил этилганди.

Ҳозир ушбу филиал янада кенгайтирилди. Бу ердаги тўқув дастгоҳлари сони 20 тага етказилди. Қўшимча ишчилар қабул қилинди. Эндиликда 46 нафар маҳаллий хотин-қизлар гилам ва палос тўқиш билан шуғулланмоқда.

— Кунига 9-10 квадрат метр маҳсулот тайёрлаяпмиз,—дейди ишчи Сунбула Маҳмудова. — Ҳом ашё етарли, фабрика маъмурияти ҳар соҳада ёрдам бериб турибди. Яқинда қишлоқ хонадонларининг учтасига тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Ҳозир бу хонадонларда ҳам палос тўқиляпти.

И. ЭРГАШЕВ, Хоразм вилояти.

ТАДБИРКОРЛИК — КОНИ ФОЙДА

● Хўжаобод районидаги «Яхши ният» кичик корхонаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа муддат ичида бу корхона район аҳолисини сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга киришди.

Очиғи, корхонага қарашли фермада бевосита чорвачилик билан шуғулланиш даромад келтира бошлади. Шу боис, кичик корхона маъмурияти бу соҳага эътиборни кучайтирди. 45 бош қорамол, 90 та она чўчқа сотиб олинди. 200 бош чорва молига мўлжалланган ферма биноси таъмирланиб, қайта жиҳозланди.

Яқинда бу ерда нутрия мўйнаси етиштирадиган цех ҳам ишга тушди. Ҳозир 7 та нутрия ҳайвони парвариш қилиняпти. Тез орада уларнинг сонини 50 тага етказиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, яхши ният билан 10 минг туп терак кўчати ўтказилди. Хуллас, кичик корхона вакиллари тадбиркорлик — кони фойда эканлигини амалда исботлашга ҳаракат қилишяпти.

М. АБДУЛЛАЕВ, Андижон вилояти.

• ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ: ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АМАЛДА •

ТАЖРИБА НИМАНИ КЎРСАТДИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида жойларда корхона ва хўжаликлар фаолиятида мустақиллик омилларини кучайтирадиган янги тажрибалар вужудга келмоқда. Ромитан районидаги пахта тозалаш заводининг район деҳқончилик саноати уюшмаси қарамоғига берилиши шундай мисоллардан биридир.

Тажриба нимани кўрсатди? Қуйида шу тўғрида ҳикоя қилинади.

РОМИТАНДАГИ «ТЕГИРМОН»

Ромитанлик пахта тозаловчилар таклиф қилган усул икки ўртадаги ўзаро соғлом муносабатларга асос бўлди. Завод ишчилари ҳосилни қайта ишлаганликлари учун меҳнат ҳақини олишади. Пахтакор хўжаликлар эса ҳосил маҳсулотга айлантирилиб, истеъмолчига сотилгунга қадар унинг хўжайини бўлиб қолаверишади.

У ёғини айтганда, бу жумҳуриятда янгилик эмасди. Бундан бир йилча муқаддам Тошкент ва Сурхондарё вилоятларидаги бир неча корхона тажриба тарзида бу усулни қўлланишга киришди. Уларнинг иш тажрибаси ўрганилиб, вилоятда биринчи бўлиб бу ишга қўл уришга қарор қилинди.

Ромитан пахта тозалаш заводи 1990 йил терим мавсумидан бошлаб янгича шароитда ишлашга кўчди. Собиқ молия ходими эмасми, К. Маркс номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Содиқ Саъдуллаев янгича иш тартибининг иқтисодий афзалликларини дарҳол илғаб олди. Пахта тозаловчилар билан шериклик муносабатларини йўлга қўйди. Колхоз тегишли актларга асосан Челонғу пахта пунктини 241,1 минг сўмлик баланс қиймати билан ўз қарамоғига олди.

Қабул пункти қўшни Энгельс номли жамоа хўжалигига ҳам хизмат кўрсатарди. Эндиликда ҳосил иккита тарози билан алоҳида-алоҳида қабул қилиниб, айрим бунтларга тўплана бошланди. Ҳосилни топшириш жараёнида содир бўладиган машмашалар ўз-ўзидан тиниб қолди. Чунки хўжалик энди ҳосилни давлатга сотмай аслида ўз омборига қабул қилмоқда эди.

Завод жамоа хўжалигидан ҳар тонна хом ашёни қайта ишлаш учун 140 сўмдан «тегирмон ҳақи» оладиган бўлди. Табиийки, нафақат меҳнат ҳақи, балки асбоб-ускуналарни ишлатиш, электр энергияси, ёнилғи-мойлаш материаллари ва бошқа сарф-харажатлар ҳам шунинг ҳисобига кирди. Ҳосилдан олинадиган бошқа бутун даромад эса колхознинг банкдаги ҳисобига кўчирилди. Ваҳолонки, бундан илгари олинадиган даромаднинг нақд ўттиз фоизи республика Пахта тозалаш саноати вазирлиги ва давлат деҳқончилик саноати уюшмаси ҳисобига чегириб олинарди.

ҲОСИЛ ХЎЖАЙИНЛАРИ

Хўжалик маркази замонавий шаҳарчага айланган. Клубнинг ўнг томонида йўл ёқасидаги коттежларда колхозчиларнинг оилалари истиқомат қилишади. Ҳаммом, болалар боғчалари, боғлар, гараж, мактаб — ҳаммаси янги.

Колхоз ярим миллион сўмга янги сув қувурини ўтказди. Барча йўллар асфальтлаштирилди. Ичимлик сувни чучуклаштириш мосламалари ўрнатилди. Қишлоқларни газлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Ғишт заводи, трикотаж фабрикаси, тикувчилик, шлакоблок ишлаб чиқариш цехлари ишлай бошлади.

Айни маҳалда янги стадион, қариялар чойхонаси, дала шийпони қурилиши давом этмоқда. 15 гектарлик истироҳат боғи яратилмоқда. Ер ости мелиорация тармоғи қурилиши давом этмоқда.

Кейинги йилларда етиштирилган ялпи ҳосил кўпайгани йўқ. Ҳатто 26 тоннага камайди ҳам. Бу бир қисм экин майдонларининг уй-жой, томорқа учун ажратилгани натижаси. Шунга қарамай пахтачиликдан олинган даромад 1990 йилда уч баравардан зиёд кўпайган. Биринчидан, бу ҳосилнинг харид нархлари ошганлиги натижаси бўлса, иккинчидан пахта тозаловчилар билан янгича муносабатлар самарасидир.

Ўтган йили иш натижалари бўйича эса маркслик-лар фақат пахтачиликнинг ўзидан олинадиган соф фойдани 25 миллион сўмга етказиш ниятида. Бундай умидлар учун асос бор. Олинадиган фойданинг учдан икки қисми Президент Фармонига кўра хўжалик ихтиёрида қолдирилган 361 тонна тола эвазига келади. Хўжалик бошқаруви айрим колхоз-совхозлар сингари уни тез пуллашга шошилмади. Энди бўлса унинг ҳар бир тоннасини тўқсон юз минг сўмга сотиш учун харидор бор. Ваҳолонки, вилоятдаги айрим хўжалик раҳбарлари унинг тоннасини бундан икки-уч баравар арзон сотиб, энди пушаймон бўлмоқдалар.

Хўжалик раҳбарлари бу хом ашёни, умуман пулга сотиш ниятида эмас. Улар бартер усулига кўра, уни янги техника, технологияга алмаштирмоқчи. Яқин келажакда улар ўзларининг кичик пахта тозалаш заводи, мева-сабзавотни қайта ишлаш цехларига эга бўлишмоқчи. Бундай корхоналарга эса эҳтиёж катта. Даромаднинг қаймоғи нафақат мўл ҳосил етиштириш балки уни қайта ишлашни ҳам ўз қўлига олишга боғлиқ эканлигини энди бригада бошлиғидан тортиб, колхоз раисигача тушуниб етди.

Хўжаликнинг уста пахтакорлари У. Ражабов, Р. Кенжаев, М. Камолов, О. Тиллаев бошлиқ бригадалари ўтган йили қирқ центнердан зиёд ҳосил етиштиришди. Хўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 36 центнерни ташкил қилди. Машина терими афзалликлари тўғрисида ташвиқот олиб боришга ҳам ҳожат қолмади. Ҳар бир нарса сўм билан ўлчанаётган шароитда бунинг афзалликлари ҳаммага аён. Ўтган йили бирон пудратчи ҳосилни қўл билан теришни истамади. Ҳамма ўз даласига тезроқ машиналарни киритишни талаб қилди. Ялпи ҳосилнинг деярли етмиш фоизи машиналар бункеридан бўшатилди.

Челонғу қабул пунктида бу ҳосилдан қад кўтарган осмонўпар хирмонларни кўриб кишининг кўзи қувонади. Буларнинг ҳаммаси маркслик-ларнинг бебаҳо мулки. Дарвоқе, Энгельс номли жамоа хўжалиги қўшниларининг янгичасига ишлаш натижасида эришган муваффақиятларини кўриб, ўзи учун алоҳида қабул пункти қурилишини бошлаган эди. Ўтган йили улар етиштирган ҳосилни ўз пунктларига қабул қилишди.

Умуман, эндиликда Ромитан районида ҳар бир хўжалик алоҳида ўз қабул пунктлари пахтакор хўжаликлар ихтиёрига берилди. Бухоро районидаги «Маданият» жамоа хўжалиги, «Бухоро» тажриба аграр бирлашмаси ўзларининг пахта тозалаш заводларини қуришга киришдилар. Бошқа бир қатор хўжаликлар «митти» пахта тозалаш заводлари учун ускуналар ишлаб чиқарадиган чет эл фирмаларини зўр бериб излашмоқда.

Шундай қилиб, синовдан бошланган тажриба кўпчиликнинг мулкига айланмоқда. Лекин тажрибанинг аччиқ сабоқлари ҳам бор. Ромитан райони билан бир вақтда жумҳуриятнинг бошқа бир қатор минтақаларида ҳам бошланган синов тегишли натижани бермагани тўғрисида хабарлар келяпти. Бизнингча, бунинг боиси янгича ишлашга тегишли тайёргарликсиз кўчилгани, кадрларда бунинг учун билим ва тажриба етишмаганидир.

Яна бир муаммо — ишлаб чиқаришни тегишли ёрдамчи материаллар, ускуналарни эҳтиёт қисмлар билан таъминлашдаги ишкаллардир. Ҳозиргача тармоқнинг моддий-техника таъминоти вилоят пахта тайёрлаш ва қайта ишлаш бирлашмаси зиммасида. Бирлашма мутахассислари эса ромитанликлар сингари «оиладан» ажралиб чиққан корхоналарга ўгай фарзанд сингари қарашлари табиий. Улар биринчи навбатда трест қарамоғидаги корхоналарни ҳамма нарса билан таъминлашади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Вилоят ҳокимиятида бизни пахта қабул пунктларини хўжаликлар, пахта тозалаш заводларини эса район деҳқончилик саноати уюшмалари ихтиёрига бериш муносабати билан бирлашма етакчи мутахассислари иштирокида этаётган мулоҳазалари билан таништиришди. Уларнинг эътирозларида жон бор.

Тегишли ҳозирлик кўрмай туриб барча корхоналарга мустақиллик бериш фойда ўрнига зиён келтириши, соатдек аниқ ишлаётган ниҳоятда мураккаб хўжалик механизмига путур етказиши мумкин. Бунда ҳар бир меҳнат жамоаси бўйича алоҳида таҳлил олиб бориш, ҳар бир пункт, пахта тозалаш заводининг иқтисодий имкониятлари, техника асбоб-ускуналарининг аҳволи, юқори малакали кадрлар билан таъминланиш даражаси ҳисобга олинмоғи лозим.

Шундай қилинмаса, ўтиш жараёнида ишлаб чиқаришда содир бўлиши мумкин бўлган технология бузилишлари пировардида толанинг сифатига таъсир қилиб, вилоят халқ хўжалигига юз миллионлаб сўм зарар келтириши мумкин.

Бошқа муаммо Бухоро, Жондор, Вобкент ва Олот районларида қурилиш режалаштирилаётган янги пахта тозалаш заводларинг молиявий таъминоти масаласидир. Бозор иқтисодиёти шароитида бу ишга ҳеч ким жумҳурият ҳисобидан маблағ ажратмайди. Сирасини айтганда, бунинг учун пулнинг ўзи йўқ. Ҳолбуки, ҳар бир завод қурилишига эркин нархларга кўчиш шароитида йигирма миллион сўмдан маблағ керак бўлади. Демак, бундай қурилишларни хўжаликларнинг молиявий ҳиссадорлиги асосидагина қуриш мумкин. Бу эса уларнинг хўжаликлар мулкига айланишини билдиради.

Хуллас, Ромитандаги «тегирмон» бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган истиқболли тажрибалардан биридир. Аммо уни жорий этишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳаётнинг ўзи ҳаммасини изга солади.

Н. НАИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Амир Темур Кўрагон

Ҳаёти, фаолияти ҳамда бу йилдан эътиборан таваллуди кенг нишонланадиган аллома ва саркардага бағишланади.

*

«ҚАЙСИ МАМЛАКАТДА ДИНДАН ҚАЙТИШЛИК (ИЛҲОД) ВА ЗИНДИҚЛИК (ХУДОСИЗЛИК) КУЧАЙСА ВА У ДИЁРНИНГ АҲОЛИСИ, СИПОҲУРАИЯТ (ХАЛҚ) ТУРЛИ МАСЛАККА ҚИРИБ, ИТТИФОҚЛАРИ БУЗИЛСА, У МАМЛАКАТНИНГ ҲАЛОКАТИ ЯҚИНДИР...»

Амир ТЕМУР.

Рассом Малик Набиевнинг «Амир Темур» расми.
Суратқаш С. МАҲКАМОВ.

• БАХТЛИ ОНЛАР ШУКУҲИ •

ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАЯПМИЗ

Кейинги ҳафтада кўпчилик шошиб қолишди.

Кимдир тарихий манбаларни қидирган, шеър, достон ёзган. Бошқа бири эса янги маълумот олиш орзусида.

Нима гап ўзи?..

Бобо Амир Темур Кўрагон таваллуд топган сана кенг нишонланармиш?

Ё тавба?- Шу ўзимизми? Наҳотки?!

Ҳайратланманг! Шундай! Ахир бир неча ўн йил муқаддам, йўқ, йўқ яқингинада Амир Темур номини фахр-ифтиҳор билан тилга олармидик. Ахир унинг табаррук номини минг истиҳола билан, қўрқа-писа гапирар эдик-ку. Шунда ҳам юқорида ўтирган амалдорлар гурзиси бошимизга урилмасмиди? Даврада бошимизни хам қилдириб, минг тавбатазарруга қолдирмасмиди? Не-не олимларимиз мана шу табаррук сиймо ҳаёти ва фаолияти учун умрларини бағишладилар-у, ўзлари рўшнолик кўрмадилар. Не-не ёзилган асарлар тахи ўқилмай қолиб кетди, қўшиқлар куйланмади.

Республикамизда мустақиллик шамоли эсгач, ана шу кир-чир увадаларни ҳар томонга учириб суриб ташлади.

Қалбимиз туб-тубида занглаб ётган ва тўлиб-тошиб айтолмаётган ана шу фикр-мулоҳазаларни рўй-рост сўзлашга ўтдик.

Энди ўзлигимизни танияпмиз.

Биз ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзомиз, ана бу ҳилпираётган байроғимиз бизники, деб баралла айта оламиз.

Мана энди аждодларимиз руҳи олдида қарздормиз. Нақадар қарздормиз! Ана шу қарзни узишга, қадриятларимизни ўрганишга, ўзлигимизни танишга эндигина киришяпмиз.

Дунёдаги кўп халқлар қатори бизнинг ҳам тарихимиз бой, мазмуни теран, бир-биридан мўҳтасар ва покиза...

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ана шундай салафлардан бири ва энг ардоқлиси...

Пойтахтимизнинг бош ва кўркам, кенг ва озода майдонимизни Мустақиллик майдони деб атадик. Худди шу майдонда қад кўтарадиган обидамиз лойиҳаси қандай бўлиши ҳусусида кўплаб таклифлар билдирилмоқда. Ана шу таклифлар орасида Амир Темур Кўрагон бобомизга алоҳида эътибор бераётганимиз эътирофнинг ўзи!

Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон! Биз бу буюк зоти шариф феодал тарқоқликдан усталик билан фойдаланганлиги ва 1370 йили Олий ҳокимиятни қўлга киритганлигини яхши биламиз. Кейинчалик у Моваroуннаҳр ва Хоразмни бўйсундирди. 1380 — 1402 йиллари Темур қўшни мамлакатлар устига ҳарбий юришлар қилиб Эрон, Закавказье, Ироқ, Кичик Осиё ва Шимолий Ҳиндистонни истило қилди, Олтин Урда хони Тўхтамишга қақшатқич зарба бериб, унинг пойтахти Сарой Беркани эгаллади.

«Темурийлар давлати том маъноси билан марказлашган давлат эмас эди, — деб ёзади таниқли тарихчи олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Бўривой Аҳмедов. — У майда улусларга бўлинган ҳолда идора қилинди. Масалан, Темур ҳаёт эканлигида империя тўрт қисмга бўлинган эди. Хуросон, Журжон, Мозандарон ва Сейистон (маркази Ҳирот шаҳри) Шоҳруҳга; ғарбий Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон (маркази Табриз) Мироншоҳга; Форс, яъни Эроннинг жанубий қисми (маркази Шероз), Умаршайхга; Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон (маркази дастлаб Ғазна, кейинчалик Балх) Пирмуҳаммадга; суюрғол (шаҳзода ва амирларга тожу-тахт олдида кўрсатган катта хизматлари учун шартли тарзда инъом қилинган ер-сув ва уни идора қилиш ҳуқуқи) қилиб берилган эди».

Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ўнлаб, юзлаб тарихнависларнинг асарларида муҳрланган. Низомиддин Шомий, Мўъиниддин Натанзий, Ҳофизи Абру, Шарофиддин Али Яздий, Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий, Абдураззоқ Самарқандий... Дарвоқе, бу зоти шарифларнинг асарларини эндигина ўрганишга киришаётган бўлсак ҳам уларнинг ҳар бирида Темур ва Темурийлар даври холис ва ҳалол ёритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шундан сўнг ўтган тарихчи ва шоирларнинг асарлари, не-не ҳаттотлар томонидан меҳр ила кўчирилган китоблар саҳифалари ҳали очиб кўрилганича йўқ!

Биз улуғлаб ва меҳр қўйиб келган собиқ совет тузими ана шу бой манбаларни ўрганишимиздан маҳрум қилиб келди. Ёзувларимиз тез-тез ўзгартириб турилди. Ота-боболаримиз ана шу йўлнинг тўғри ва ҳаққонийлигига осонликча ишондилар. Натижада ўз авлоди ўтмишини билишдан бебаҳра қолди. Бу машаққатли қийинчилик бугунги кунда ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Дарвоқе, XX асримизнинг сўнгги ўн йиллиги олтин дамлар бўлғуси. Неча йиллар занглаб келган дилларимиз тубидаги сўзларни тўлиб-тошиб сўзламоқдамиз. Қадриятларимизни тиклаяпмиз. Ўтмиш меросимизни ўрганяпмиз. Ўзлигимизни англаб етяпмиз.

Бу ҳар биримизга меҳр, садоқат, масъулият юкламоқда.

Бизларнинг бу одимларимиз хайрли, азиз ва мўътабардир.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Темурнинг яқин 15—20 йил ичида дунё миқёсидаги ҳукмдорга айланишини, фақат Ўрта Осиёнинггина эмас, балки деярли бутун Олд Осиёнинг ҳам тақдирини ҳал қилувчи ҳукмдор бўлишини унинг замондошларидан ҳеч ким ўйламаган эди. Темур 1376 йилда Самарқандда Тўхтамишни ўз паноҳига олган пайтда, ҳали атоқли ҳукмдор сифатида донги чиқмаган эди. У вақтда Темурга лоақал Олтин Урда хонига баробар келаоладиган ҳукмдор деб ҳам қаралмас эди. Уша вақтда Темур паноҳида иззат-ҳурматда бўлган Тўхтамиш ҳам Темурга шундай деб қарар эди. Темур ёш жиҳатидан Тўхтамишдан катта ва сиёсий майдонга ҳам ундан олдин чиққан бўлса ҳам, уларнинг асосий ҳукмронлик даври деярли бир вақтга тўғри келган. Темур Тўхтамишга ҳомийлик қилиб, унинг учун жуда катта маблағлар сарф қилган, лекин Темурнинг бу марҳаматлари беғараз эмас эди. 70-йилларда Ўрта Осиёни бирлаштириб бир бутун давлат ташкил қилиш билан банд бўлган Темур, шу билан бирга, ўз давлатининг осойишта яшай олишига имкон берадиган бир шароит яратиш, яъни атрофида душман давлатлар бўлмаслигига эришиш масаласи устида доимо ўйлар эди.

А. ЯКУБОВСКИЙ.

* * *

Темур ва Темурийлар даврида Моваroуннаҳр шаҳарлари, айниқса, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро каби шаҳарлар ўсди, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривож топди. Моваroуннаҳрнинг Хитой, Ҳиндистон, Арабистон ва ҳатто узоқ Испания, Италия, Франция, Англия ва бошқа Европа мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалари кенгайди. Бу даврда илм-фан ва маданият бирмунча ривожланди. Бу даврда Ҳофизи Абру ва Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий ва Муъинуддин Исфазорий, Мирхонд ва Хондамир каби муаррих олимларни, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий, Бисотий, Самарқандий ва хожа Исматулла Бухорий, шайх Аҳмад Суҳайлий ва Камолуддин Биноий сингари жуда кўп истеъдодли шоир ва олимларни етиштирди.

Б. АҲМЕДОВ.

* * *

Темурнинг ички сиёсати Моваroуннаҳрни моддий-маданий жиҳатдан мумкин қадар юқори кўтаришга қаратилган эди. Айниқса, у Самарқанд ва она шаҳри, Кешни ободонлаштиришга кўп эътибор берди. Босиб олинган мамлакатлардан келтирган бойликларини ўз қарорига биноан салтанатдаги зарур саналган қурилишларга сарф этди. Шунинг учун ҳам Моваroуннаҳр ва Самарқанддаги кўплаб моддий-маданий бойликлар Темур номи билан боғлиқ.

М. АБДУРАИМОВ.

САНАЛАР—УМР ЗИНАЛАРИ

ФАСИҲ АҲМАД ҲАВОФИЙ

XV асрнинг машҳур тарихчиларидан бири Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий турли юксак мансабларда ишлаган. У ўзининг йирик тарихий биографик асари «Мужмал-и Фасиҳий» («Фасиҳийнинг (тарихлар) мажмуаси»)да жуда катта давр ҳақида маълумот беришга интилади. Қуйида ана шу асардан Амир Темурга оид айрим саналарнигина келтиришни лозим топдик.

Етти юз ўттиз олтинчи (1335—1336) йил

Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон қурган ибн амир Тарағай ибн Баркал ибн Илонгири Ижил ибн Қоражар нўён ибн Суку Сижан ибн Ирумхи ибн Кажурай нўён ибн Туманайхон ибн Бойсунқурхон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Манан ибн Бука ибн Бунанжир ибн Алан Тавахотун шаъбан ойининг йигирма бешида (1336 йил 8 апрели) Кешда таваллуд топди. (Тошкент Давлат университети кафедра мудири, профессор Абдулла Аъзамовнинг куни кеча чоп эттирилган рисоласида қайд этилишича Амир Темур ҳафтанинг душанба куни туғилган экан). Унинг таваллуди, тахтга ўтиргани, вафоти ҳақида қуйидагича ёзилган:

Султон Темур янглиғ бирор шох ўтмаган.

У етти юз ўттиз олтинчи (1335—1336) йили дунёга келди.

Етти юз етмиш биринчи (1369—1370) йили тахтга ўтирди.

Саккиз юз еттида (1404—1405) бу дунёни тарк этди.

Етти юз олтмиш иккинчи (1360—1361) йил

Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг отаси Амир Муҳаммад Тарағай вафот этди.

Етти юз олтмиш учинчи (1361—1362) йил

Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон Амир Ҳусайн ибн Амир Мусаллаб ибн амир Қозоғоннинг Боён Салдузга қарши курашига ёрдам бериш учун амир Хизир Ясурий ҳузурига йўл олади.

Етти юз етмиш тўртинчи (1362—1363) йил

Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон амир Ҳусайн ибн Мусаллаб билан бирга Сейистонга йўл олади. Амир соҳибқироннинг қўли ёй ўқидан яраланади, бироз яхши бўлгач, у Арсафда яна амир Ҳусайн билан қўшилиб биргаликда Моваroуннаҳрга йўл оладилар.

Етти юз олтмиш бешинчи (1363—1364) йил

Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн амир Қозоғон амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон билан биргаликда Жоти қўшинларига қарши курашади.

Етти юз олтмиш еттинчи (1365—1366) йил

Ҳусайннинг Жоти аскарлари билан жанги Лой уруши. Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон бу жангда чин мардлик кўрсатса-да, Амир Ҳусайн қўшинларининг кучсизлиги сабабли Жоти аскарларининг қўли баланд келади.

Етти юз олтмиш саккизинчи (1366—1367) йил

Бадахшон подшоси амир Ҳусайн ибн амир Мусаллабга душманлик қилади. Амир Ҳусайн ибн амир Мусаллаб ва амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ўртасида битим тузилиб биргаликда Бадахшонга юриш қиладилар. Амир соҳибқирон амир Ҳусайндан аввалроқ келиб Бадахшонни забт этади. Улар Бадахшондан биргаликдан қайтадилар.

Етти юз етмишинчи (1368—1369) йил

Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон билан амир Ҳусайн ибн Мусаллаб қарашларида муҳолифлик рўй беради.

Етти юз етмиш биринчи (1369—1370) йил

Амир соҳибқирон Амир Темур Кўрагон амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн амир Қозоғонга қарши юриш қилади. Амир Ҳусайн амир соҳибқирон томонидан Балхда қатл этилади.

Амир соҳибқирон тахтга чиқади...

• ҚАДРИЯТ •

ИЗЗАТ-ИКРОМ

Шаҳрисабзликлар соҳибқирон Амир Темурдек табаррук сиймо таваллуд топгани билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бугунги кунда шаҳар ва унинг Хўжа Илғор қишлоғи тарихчилар, ёзувчилар, киночилар ва сайёҳларнинг зиёратгоҳига айланган. Улар давлат арбоби ва саркарда номини абадийлаштириш мақсадида меъморчилик мажмуаси қурилишини бошлашга аҳд қилишди. Бунинг учун маҳаллий банкда махсус ҳисоб очилди.

Қурилиш учун маблағ аямаётган корхона ва ташкилотларнинг сафи кунданкунга ортиб бораётир. «Ҳужум» бадиий тикувчилик фабрикаси, таксимотор парки, гўшт комбинати, 1-механизациялашган кўчма колонна, консерва заводи, геология-қидирув экспедицияси, вино-ароқ заводи ва районнинг бошқа жамоалари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Меъморчилик мажмуаси XIV асрда қурилган машҳур Оқсарой ёдгорлиги ёнида қурилади. Буюртма Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Пластика» комбинати усталари томонидан тайёрланмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудига бағишланган учрашувлар, сайиллар республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида давом этяпти. Шундай сайил-кеча Чиноз районидаги «Москва» жамоа хўжалигида бўлиб ўтди. Бугун эса ана шундай байрам Ҳамза театрида давом этади. Уни Ўзбекистон Республикаси Адиблари иттифоқи, «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Билим» жамияти, «Очун» ижодий уюшмаси ва Ҳамза номидаги Академик драма театри ижодий жамоалари ташкил этди. Байрамда таниқли шоир ва ёзувчилар, олим ва жамоат арбоблари, сўз усталари ва санъаткор ҳофизлар ўзларининг дил сўзларини соҳибқирон Амир Темур руҳига баҳшида этмоқдалар.

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

● Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон одам, мард ва шижоат соҳиби, азми (қатъий) тадбиркор ва сергак бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, соғлом кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради.

● Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, кенгаш кишилари узоқни ўйлайдиган, тўлиқ ақлли, чуқур фикрли, сезгир кишилардан бўлишлари лозим. Ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси остида яширин бўлса ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, айтганларидек, ҳар ишни кенгаш билан қилдим.

● Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўлларини мўлжаллаб қўяр эдим. Ҳар ишда тўғри тадбир, қатъий жазм чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан, узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда иш тутардим.

● Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганига қулоқ солардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қўярдим ва дилимга жойлардим.

● Мамлакатларни забт этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат кўриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастур ул-амал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин, меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, тангрининг иноятн ва Муҳаммаднинг, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд миллатининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳоба ларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатимни сақлагайлар.

● Дилимнинг машриқидан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, ислом динини ёйиб, Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, шариатни қувватладим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва яхши одамлар орасида шариатни ёйдим ва ўз салтанатимни шариат билан безадим.

● Амр қилдимким, вазирлар ушбу тўрт сифатга эга бўлган кишилардан бўлишлари лозим; биринчиси, асиллик, тоза насллик, иккинчиси — ақл-фаросат; учинчиси, сипоҳу раият аҳволидан хабардор ва уларга хушмуомалада бўлиш; тўртинчиси, сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Кимки шу тўрт сифатга эга бўлса, ундай одамни вазирлик мартабасига лойиқ киши деб билсинлар ва вазир ёки маслаҳатчи этиб тайинласинлар, мамлакат ишларини, сипоҳ ва раият ихтиёрини унга топширсинлар. Бундай вазирга тўрт имтиёз: ишонч, эътибор, ихтиёр ва иқтидор берилсин.

● Хос навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, пок насллик, ақл-фаросатлик, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олдини ва орқасини ўйлаб иш тутадиган кишилар эдилар. Уларнинг ҳар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда, ўринбосар унинг ўрнига ўтиради ва уни «амирликка номзод» деб атайдилар. Менинг бу уч юз ўн уч амирларимнинг бариси ақл-ҳуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, лашкар тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар бўлди.

● Амр қилдимки, тўрт вазир ҳар куни девонхонада ҳозир бўлсинлар.

Биринчи — мамлакат ва раият вазири. Бу вазир мамлакатдаги муҳим ишларни, кундалик муомалаларни, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар (ва) уларни тақсимлаш, кирим-чиқимларни (мамлакат) ободонлигини, (аҳолининг) фаровонлиги ишларини ва хазинани қандай қилиб тартибга келтираётганлигини менга билдириб турсин.

Иккинчи — сипоҳ вазири-дирки, сипоҳийларнинг маошлари ва танҳоларини бошқарсин, тарқоқ ҳолатга тушиб қолмасликлари учун (доимо) сипоҳ аҳволидан хабардор бўлиб турсин ва аҳволини менга хабар қилиб турсин.

Учинчиси — эгасиз қолган, ўлиб кетганлар ва қочганларга тегишли моллари, халқдан (йиғилган) закот ва божларни, келиб-кетаётган (савдгарлар)дан олинадиган молларни, мамлакат чорваларини, уларнинг ўтлоқ-яйловларини, улардан йиғилган даромадларини омонат тарзида сақловчи вазирдир. Ғойиб бўлганлар ва ўлганларнинг мол-мулкини бўлса, меросхўрларига топширсин.

Тўртинчиси — салтанат ишларини юритувчи вазир. У бутун салтанат идораларининг кирим-чиқимлари, хазинадан сарф қилинган тамом харажатлар, (ҳатто) отхона ва (саройдаги) бошқа жонзотларга қилинган харажатлардан огоҳ бўлиши керак.

● Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан (муомалада) бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган баъзи амирлар қилган қинғир ишларидан қўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва хайр-эҳсонимни кўриб ўзлари шарманда бўлдилар. Кимни ранжитган бўлсам, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги ҳафагарчиликни чиқардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим.

● Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ҳоҳилу нодон дўстдан, ақлли душман яхшироқ экан.

● Қайси мамлакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим, сайиндлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим.

● Сайиндлар, уламо, машойих, фузало, акобир ва ашрофларни азиз тутсинлар, кадхудолар, калонтарлар ва деҳқонларни ўзларига қаратсинлар, раиятни умид билан ваҳима орасида тутсинлар, гуноҳлари ва қилмишларига яраша жарима солсинлар. Фатҳ этилган мамлакатларнинг сайиндлари, уламоси, машойихлари, фузало, дарвишлари, хилватда ўлтурувчи обидларини суюрғол, вазифа ва маош билан сийласинлар, фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз, шол-кўрларга кундалик маошларини берсинлар, мударрислар ва машойихларга ойлик маош белгиласинлар.

● Тўғри сардор улким, у шошма-шошарлик қилмай, (аввал) лашкарларини ишга солади. Бордию лашкарбошининг ўзи қилич чопишига мажбур бўлса, иложи борича ўзини ўлимдан сақласин, чунки лашкарбошининг ўлими ўрдуга бадномлик келтириб, ғаним лашкарининг ғалабасига сабаб бўлади.

Саҳифани «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари Расул РАҲМОНОВ ва Мирзакарим ПИРМАТОВ тайёрлади.

• ШОИР ИЖОДХОНАСИДА

АДИБ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳабиб Саъдулла 1942 йилда Наманган шаҳрида туғилиб, ўрта мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ шеъриятга катта ихлос қўйди. Унинг дастлабки шеъри «Наманган ҳақиқати» вилоят газетасида 1958 йилда босилиб чиқди. Кейинчалик ҳарбий-денгиз флоти сафларида хизмат қилган пайтларида, Тошкент давлат университетида ўқиб юрган кезларида ҳам шеърият соҳасидаги ижодини қатъият билан давом эттирди.

Серҳаракат, ўқиб-ўрганишдан, изланишдан чарчамайдиган Ҳабиб Саъдулланинг «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») рўзномасида ишлаган даврида ижодий камолот сари қўйган одимларининг гувоҳимиз. Бўлажак шоир «Ленин учқуни»да, «Муштум» журналида мусаҳҳиқ ва адабий ходим, «Наманган ҳақиқати» газетасида бўлим мудири ва муҳаррир ўринбосари лавозимларида самарали меҳнат қилди. Хусусан, 1973—1990 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилоят бўлимининг масъул котиби лавозимида ишлаганида унинг поэтик маҳорати янада ўсди.

Таниқли қаламкаш ўзининг кўп қиррали ва самарали ижодий фаолияти даврида «Океандан шабада», «Баҳор билан суҳбат», «Мулоқот», «Яна остонангда», «Эҳтиром», «Усмонатлас», «Нур қадри», «Боғлар юртин боласимиз», «Тазарру», «Кўчамдан жонон ўтганда», шеърий тўпламларини, «Тонг мусаффо бўлса» публицистик қисса ва мақолалар мажмуасини чоп эттирди. Москвадаги «Советский писатель» нашриётида унинг «У порога твоего» шеърлар ва достонлар китоби босилиб чиқди.

Шоир «Туғилган йилим», «Онаизор», «Тирик қурбонлар», «Замин садоси», «Ётинчи қитъа», «Эътиқод», «Чуст ривояти» каби бадиий юксак асарлари билан ўзбек достончилигини ривожлантиришга ҳисса қўшди.

Ҳабиб Саъдулла драматургия соҳасида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. «Юсуф ва Зулайҳо» музикали драмаси (Дадаали Соатқулов музикаси), «Меҳр қуёши» драмаси ва «Раҳмат, иғвогар!» комедияси вилоят театрларида саҳналаштирилган. Ўнлаб шеърлари ва ғазалларига басталанган дилрабо қўшиқлар хонандалар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.

Ҳамкасбимиз, иқтидорли ижодкорнинг ярим асрлик умр йўлида эришган муваффақиятлари, тажрибаси, маҳорати, фалсафий мушоҳадаси камол топган бундан бўёнги ҳаёти янада самарали, тароватли ҳам файзли, баракали бўлсин!

• Ҳабиб САЪДУЛЛА.

Шеърият

Мусулмон каъбага сиғинган каби,
Саналга сиғинган сингари тарсо,
Мен сенинг пойингда пичирлаб лабим,
Ибодат қилурман, эй олий маъво.

Бойлик излаб кирмас масжидга одам,
Маккага борилмас ахтариб шавкат,
Муқаддас боғингга қўяркан қадам.
Руҳим пок бўлсин деб, қилгайман мақсад.

Сирли паноҳингга олдинг-да мени,
Эзгу туйғуларга ошно айладинг.
Гўзаллик поклар, деб инсон руҳини,
Қалбимга гўзаллик меҳрин жойладинг.

Ёвузликлар аро, шумликлар аро,
Гўзаллик излашдан бир дам толмадим.
Узинг бўлдинг менга умидбахш дунё,
Терс қараб кетганда ҳар гал омадим.

Покланишга муҳтож кўринур олам,
Мен ҳамон пичирлаб қилурман ният:
Нуринг билан тўлсин кўҳна дунё ҳам,
Имон, эътиқодим, эй, пок Шеърият!

Истиқлол қўшиғи

Тожу тахт ҳавасин энди қўй, дўстим,
Оз умр ичида кўп орзу аро.
Қарам ўлкадаги шоҳликдан устун,
Мустақил давлатда бўлмоқ фуқаро.

Мустамлака юртнинг шоҳи ҳам қулдир,
Бўғзин қисиб турар хўжасин дасти.
Бугун Ўзбекистон, ҳур, мустақилдир,
Шунинг ўзи сенга шоҳлик эмасми!!

Майли, мансабдорсан, майлига гадо,
Майли, даҳрийдирсан, майлига диндор,
Истиқлол йўлида бўла бил фидо,
Ахир озодликдан лазиз нима бор!!

Англа, эга бўлдинг шу юрт, заминга,
Елканга ол энди унинг юкини
Истиқлол тақдири даҳлдор сенга,
Истиқбол боқмоқда сенга юкиниб.

Бугун — бир-бировдан қидириб қусур,
Насаб ташламоқлик абасдир, абас,
Гиналар ўрнига сўрашиб узр,
Бирликда намоён бўлмоқ муқаддас.

Муқаддас бўлса гар Ватан туйғуси,
Муқаддас сақлайлик аждодлар руҳин.
Муқаддас бўлса гар элнинг келгуси,
Қонларда жўш урсин бирлик шукуҳи.

Кимда заковатдан устун келиб нафс,
Қай бири томирида урса ҳаром қон,
Ватанни ўша нафс йўлида эмас,
Нафсин Ватан учун қилолсин қурбон.

Зотан, баднафслардан асрамоқ учун,
Истиқлол аталмиш доруломонни,
Йиғиб ғурур, ақл, бирдамлик кучин,
Энди авайлайлик Ўзбекистонни.

Ҳақиқат, ол ўзинг дунёни

НАЗИР АКАГА

Менингмас, боболар нақли шу:
Кимники нияти пок, эзгу;
Қалбида юрт меҳри зўр ёғду,
Уни даф қилолмас туҳматлар,

Маломат лойига ботса ҳам,
Бегуноҳ азоблар тортса ҳам,
Зимистон зиндонда ётса ҳам,
Эл уни ардоқлар, ҳурматлар.

Кўп қизиқ, бу ҳаёт нисбати:
Халқига фидолик — хизмати.
Бўлганлар тақдири қисматин
Булутдай қоплагай зулматлар.

Боболар нақлиги иншонгум,
Ўғлонлар дард чекса мен ёнгум,
Бу ёлғон дунёдан ҳам тонгум,
Келса гар меҳнатга кулфатлар.

Ҳукмдор бўлганда қўрқоқлар,
Уз халқин алдаган олчоқлар,
Мардларни ағарчи эл ёқлар,
Маҳв айлар бадкирдор ғурбатлар.

Ҳақиқат, ол ўзинг дунёни,
Даф қилғил жаҳолат, риёни,
Чекинсин сен очган зиёдан
Зулматлар, кулфатлар, туҳматлар.

Аёлларга

Сизни мадҳ этамаган шоир шоирми,
Ҳофизми куйлабон ёнмаган ҳофиз,
Тарих билармикин бир мусаввирни,
Сизни тасвирлашда қолмаган ожиз!!

Сиз ғариб оламни безатмоқ учун,
Кўкдан ерга тушган саҳий қуёшсиз,
Заминни ҳарорат меҳр ила қучиб,
Тирикликка бошсиз.
Ҳаётга бошсиз.

Ҳа, ҳаётнинг боши муҳаббат эрур,
Севмоқ, севилмоқдир дунё неъмати,
Сизнинг чеҳрангиздан ёғилажак нур
Эркаклар умрининг маъно, зийнати.

Сиз ахир йигитлар тушига кириб,
Оромин йўқотган хуш хаёл бўлиб,
Битта жилва билан минг бор куйдириб,
Боз ором бахш этган жуфт—аёл бўлиб,

Она деб бош узра кўтарамиз, оз,
Ер деяр кафтларда тутамиз, бу кам.
Сингиллар йўлига меҳр поёндоз,
Қизлар кипригида кўрмай, деймиз нам.

Бизларга жон бўлиб яралгансиз сиз,
Бизлар яралганмиз сизларга фидо.
Сиз бор, баполардан қўрқмагаймиз биз,
Фақат қаҳрингиздан асрасин худо.

Камситманг

Эр эрсанг,
Эр зотини камситмагил,
Ханжари
Ё отини камситмагил,
Баски оғзинг
Заминни ҳарорат меҳр ила қучиб,
Болга етди, қил шукур,
Узга неъмат
Тотини камситмагил.
Елкасин
Гар тутмаса чиқмас эдинг,
Томга чиққач
Шотини камситмагил.
Кўзларинг
Юлдузни кўзлаб қолдилар,
Ерлисан
Ер отини камситмагил.
Гоҳ сукут
Қилса ризолик рамзи деб
Сен Ҳабиб
Абъётини камситмагил.

• Пиру бадавлатларимиз

УМР ОҚАР ДАРЁДИР

Суратда кўриб турганингиз — Мирзиёд ака Дўстматовга неча ёш берасиз? 58-60 дейсизми? Ўн, ўн икки ёшга янглишасиз. Келинг, яхшиси уруш ва меҳнат фахрийси, ўн икки нафар фарзанднинг отаси, қирқдан ортиқ невара ва эварасининг буваси Мирзиёд аканинг ўзидан эшитсак.

— Меҳнат қилишнинг ҳам меёри бор. Масалан, радио, телевиденида ва матбуотда ҳам деққонга нисбатан йил ўн икки ой тиним билмай ишлашади, деган муболаға бор. Аслида ҳаётда бундай эмас. Инсон боласи борки, бетиним ишлолмайди. Тўғри, ота-онам ёшликдан мени ҳам меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялашган. Шу боис, болалигимдан меҳнат қилишни яхши кўраман. Ҳайкалтарошлик қилиб, кўрикларда мукофотли ўринларни олганман. Китоб шайдосиман. Ҳатто хат орқали китоб ижлаб Қозоғистон, Тожикистон республикаларига мурожаат қилганман. Қуш уясида кўрганини қиладиган деганларидек, ўғил-қизларим, невараларимнинг ҳам қўлидан китоб тушмайди.

Ҳозир ёшим етмишдан ошди. Уруш ва меҳнат фахрийсиман. Тинч ўтиролмайман. Бўш қолдим дегунча, хотираларимни ёзаман, дам олиш кунлари тенгдошлар билан гурунглашамиз. Масжидга қатнайман. Ўғил-қизларимдан хабар олиб тураман. Меҳнат ўз йўлига, лекин ҳар йили онаси ё улфатлар билан Уш-у, Арслонбобгами, Сочи ёки Гаграгами, «Хумсон», «Сўқоқ»қами бориш одатга айланган. Меҳнатингга яраша дам олишни эпласанг, умринг ҳам узаяверади...

Дарҳақиқат шундай. Аксарият ўзбек меҳнаткашлари ишлашни қотиришади-ю, дам олишни ўйлашмайди. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деб бежиз айтишмаган. Бу борада Мирзиёд акада ибрат бор. Унинг кутубхонасида мингга яқин адабий-публицистик, илмий, бадиий китоблар мавжуд. Хотираларининг ҳам ўз ўрни бор. Боиси, ҳар бир хотира китоби муқоваланган, машинкада кўчирилган бўлиб, уларда муаллифнинг ёшлик йиллари, Улуғ Ватан уруши даври, ички ишлар бўлимларида ишлаган вақти, суд фаолиятига доир кўрган-кечирганлари, кексалик гашти ва бошқа воқеалар қизиқарли ҳикоя қилинади. Хотира китобларининг бирида эса Дўстматовларнинг етти пушти-авлоди ҳақида маълумотлар берилган.



— Хотираларни қоғозга туширишдан мақсад — ҳаётда бирон-бир из, сулоламиз тарихи ва давр ҳақида кейинги авлодимизга ёдгорлик қолдиришдир, — дейди Мирзиёд ака. —Ҳозирги авлодлар борса бир икки пуштини танийди, холос. Бунда биз — кексалар, ота-оналар айбдормиз. Менингча, хотиралар ёзиб қолдириш — ёш авлодни ота-боболаримиз энг яхши анъаналари руҳида тарбиялашда асқотади.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Суратқаш В. ТУРАЕВ.

• Маҳалланг—ота-онанг

ҲИММАТНИНГ ҚАДРИ

Маҳалла ҳам кичик ватан. Унинг обод ва кўркам бўлиб бориши биринчи навбатда аҳолининг тинч ва тотув яшашига ҳам боғлиқ. Катта Қозиробод маҳалласи шундай масканлардан бири. Унда истиқомат қилувчи 750 хонадондан иборат турли миллатли 5 мингдан ортиқ киши сафида ҳимматли ва жонкуяр инсонлар эл-юрт хизматида. Уларга 23 йилдан бери раҳбарлик қилиб келаётган маҳалла комитети раиси Юсуфхўжа Баҳромов бошчилигидаги фаоллар кейинги пайтларда бу ерда бир қатор хайрли ишларни амалга оширдилар.

Маҳаллада қурилган идора, клуб, чойхона ва дам олиш хоналари аҳолининг ихтиёрида. Шу ерда туғилиб вояга етган ва урушда ҳалок бўлганларга чуқур эҳтиром бажо келтирилган. Шу боисдан жанг майдонларида қурбон бўлганлар хотирасига атаб ўрнатилган ёдгорлик ўзига хос рамзий маънога эга.

Маҳаллада яқинда катта ҳашар йўли билан янги масжид биноси қурилиб, ишга туширилганлиги маҳалла аҳлининг тотувлигидан бир белги. Унинг бунёд этилишида Чилонзор ноҳияси ҳокими Олимжон Исмоилов жонбозлик кўрсатди. Яқинда Рамазон ҳайити номози ана шу янги масжидда ўқилди. Бу Катта Қозиробод аҳолисининг байрамига айланди.

— Маҳалламизда инсонларга маънавий ва моддий ёрдам бериш муҳим аҳамиятли юмушлардан ҳисобланади, — дейди Юсуфхўжа Баҳромов. — Яқинда уйи ёнган Мастура ая Ғуломова оиласига 3 минг сўм ёрдам пули берилди. Кекса ишчи Жамол Холбоев уйи эса маҳалла аҳли кучи билан таъмирланди. Ёлғиз она Туҳфа ая уйига эса газ туширилянти. Бемор Эшматовлар оиласига ҳар йили моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Яқинда Туркиядан олинган ҳайрия неъматлари ҳам ночор оилаларга тарқатилди. Ана шу кишилар учун масжидда тўпланган 2 минг сўм пул ҳам қўшиб тақсимлаб берилди. Бу ҳайриялардан турли миллат вакиллари баҳраманд бўлдилар.

Маҳалла фаоллари бажараётган турли савобли ишлар фақат шулар билан кифояланмайди. Шунинг учун Чилонзор ноҳиясидаги Катта Қозиробод маҳалласининг номи энг яхши масканлардан бири сифатида тез-тез тилга олинаётганлиги бежиз эмас.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• «Ўзбекистон овози» рўзномасининг

ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИ

- 1991 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат банки рўйхатидан ўтган.
- Банкнинг йиллик ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси хўжалик ҳисобидаги мустақил акционер банк аудитор ҳамияти "Узбанкаудит" томонидан тасдиқланган.
- 1991 йил 24 майда акционерлар умумий йиғилишида таъсис этилган.
- Банк 1991 йили чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун бош лицензия олган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
1 ЯНВАРЬ 1992 ЙИЛ БАЛАНСИ (млн. сўм ҳисобида)

АКТИВЛАР		ПАССИВЛАР	
1. КАССА (ҳами)	487	1. АКЦИОНЕР ВА РЕЗЕРВ КАПИТАЛЛАРИ	1130
2. ССУДА (ҳами)	19627		
шу ҳумладан:		2. ОМОНАТЛАР ВА ДЕПОЗИТЛАР	518
- қисқа муддатли	17682	3. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲИСОБ-КИТОБ ВА ЖОРИЙ СЧЁТЛАРИДАГИ МАБЛАГЛАРИ	7296
- узоқ муддатли	1586		
- факторинг	359		
3. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР	45	4. БАНКНИНГ ФОЙДАСИ	358
4. БОШҚА АКТИВЛАР	83124	5. БОШҚА ПАССИВЛАР	93981
БАЛАНС	103283	БАЛАНС	103283

700001 Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси 6-уй.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИ.

СИЗ АНДИЖОН ШАҲРИДА

ХОМ АШЁ МОЛЛАРИ ВА МАТЕРИАЛЛАРИ СОТИБ ОЛИШ, СОТИШ ЁКИ АЛМАШТИРИШНИ ИСТАСАНГИЗ

Сизга бу борада Акционерлик жамияти «АНДИЖОН» хом ашё моллар биржаси бемалол

ЁРДАМ БЕРАДИ

Ҳурматли ишбилармонлар!

Биз сизларни Биржамиз билан яқин ҳамкорлик қилишга ва савдоларимизда қатнашишга

ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Савдоларимиз ҳар ҳафтанинг ЧОРШАНБА ва ШАНБА кунлари соат 10.00 да.

ЎТКАЗИЛАДИ

Биз билан яқин ҳамкорлик ва шериклик қилган жамоалар ҳеч қачон ютқазмайди. Қулай имкониятлардан фойдаланишга шошилинг!

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 39-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: 4-22-56, 4-42-72, 4-44-53.

ТЕЛЕФАКС: (8-37422-52-4-32).
ТЕЛЕТАЙП — 168189 «Фирма».

«АНДИЖОН» ХОМ АШЁ МОЛЛАР БИРЖАСИ.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

шу олий билимгоҳнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига кирувчилар учун бир ойлик пуллик тайёрлов курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Машғулотлар 1 июлдан бошланиб, кунига 3 парадан ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Тайёрлов курсларида математика, физика, информатика, ўзбек ва рус тиллари каби фанлар ўргатилади.

Бутун таълим курси учун 325 сўм ҳақ тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй, 226-хона, «Ғалаба боғи» бекати.

ТОШКЕНТ ТАЖРИБА-ТЕХНИКА МАРКАЗИ

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ

30х60х7 ўлчамли иссиқ, йиғма ангар (нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан);

гардишли телефон аппаратлари (нақд пулга), баҳоси — 400—600 сўмдан.

Мулоқот телефонлари: 68-44-03, 33-02-33.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.



БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

●389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—71.
№ 71.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.